ЮҚОРИ СИНФЛАРДА АДАБИЙ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДЛАРИ

Н.М.Эгамбердиева

Мақола замонавий методлар асосида адабий таълимни, ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини такомиллаштириш масалаларини ёритишга бағишланган.

***Таянч сўзлар**: метод, усул, адабий таълим, маъруза, адабий суҳбат, мустақил иш, шарҳлаб ўқиш.*

Статья посвящена вопросам совершенствования литературного образования, читательской культуры учащихся на основе современных методов.

***Ключевые слова**: метод, прием, литературное образование, лекция, литературная беседа, самостоятельная работа, комментированное чтение.*

On the basis f modern methods of teaching the article discusses the role of a literary education as the main source of formation of book lovers.

***Key words:** method, style, literary education, lecture, literary talks, independent work, commented reading.*

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифаларни бажариш, яъни халқнинг бой интеллектуал мероси, умуминсоний қадриятлар ва замонавий маданият ютуқлари асосида мутахассис шахсини шакллантириш, таълимни инсонпарварлаштириш асосида бой бадиий-эстетик дунёқараш, юксак маънавият ва маданиятни шакллантириш ҳамда маънавий ва ахлоқий қадриятларни шакллантиришнинг қудратли воситаларидан бири бўлмиш адабий таълим билан бевосита боғлиқ.

Бироқ ўсиб келаётган ёш авлоднинг китоб мутолаа қилишга қизиқмаслиги, буни хоҳламаслиги каби салбий тенденциялар бугунги кунда ҳаммага маълум. Китоб ўқишга бўлган қизиқишнинг пасайиши сабаблари ахборот олишнинг бошқа нисбатан енгил, қулай ва тезкор манбалари, яъни интернет, телевидение, компьютер кабиларнинг кенг тарқалганидир. Шу сабабли бўш вақтнинг йўқлиги мутолаа қилишнинг ўқув адабиётлари фойдасига қисқариб боришига олиб келмоқда.

Катта адабиёт, яъни классика ҳамда бугунги замонавий қаҳрамонлар оламининг ранг-баранглиги, уларнинг ҳаётий кечинмалари ва воқеа-ҳодисаларни борлигича акс эттирадиган замондош адиблар асарларидан бегоналашиш болалар, ўсмир, ўспирин ва ёшларда ҳамдардлик, ҳамкечинмалик каби маънавий фазилатларнинг шаклланиш жараёни сусайишига олиб келмоқда.

Шу сабабли адабий таълим сифатини ошириш, бунинг учун ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг методика ва технологиялари билан боғлиқ бир қатор масалаларни ҳал қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Библиографик маданият кенг қамровли тушунча бўлиб, китобга бадиий санъатнинг алоҳида тури ва зарур билимлар манбаи сифатида қараш ҳамда матн устида ишлаш, мутолаа қилиш техникаси, бирламчи мутахассисликка кириш (адабиётшунослик пропедевтикаси), амалий ўзлаштириш, ўқувчиларнинг адабий асар матнини талқин қилиш, соф адабий-бадиий ижод кўникмаларга эга бўлиш каби жиҳатларни қамраб олади. Адабиёт ўқитиш технологиялари ва методикаси лингвистика, адабиётшунослик, психология, педагогика, методика фани ютуқларига асосланади, тил ва адабиёт ўқитишнинг илғор педагогик тажрибаси ва бой тарихий-методик меросини ҳисобга олади, шунингдек, улардан узлуксиз таълим тизимининг адабий таълим жараёнида фойдаланиш йўллари ҳақида билим ва тасаввурларни ҳосил қилади.

Тил ва адабиёт ўқитишнинг усул, метод, технологиялари ўқувчиларнинг адабий таълимнинг турли кўринишларига оид кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган. Булар сирасига **аудио орқали тинглаш** – жаранг сочаётган нутқни эшитиб идрок этиш, уни мутолаа қилиш, керакли ўринларини ёзиб олиш, хотирада сақлаб қолганларини баён қилиш, гапириш каби жиҳатларни қамраб олади. Шу ўринда матннинг бадиий, ўқув, илмий-оммабоп, фольклор каби турлари билан ишлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Замонавий дидактикага мувофиқ, **таълим методлари** таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўқув-тарбиявий вазифаларни ҳал қилиш учун зарур билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминлайдиган фаолиятнинг асосидир. Педагогик жараённинг иккитомонламалик характерини акс эттириб, методлар ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро таъсири, ҳамкорлигини таъминловчи механизм саналади.

Мақоламиз доирасида адабий таълимда кенг қўлланиш имкониятига эга бўлган ва юқори самара берадиган айрим методларга тўхталиб ўтамиз.

- **Маъруза методи** янги материаллардан хабардор қилиш, ҳикоя ва бошқа бадиий матнларни ифодали баён қилиш ва бошқа усулларни ўз ичига олади. Адабиётни ўрганишда маърузанинг асосий иккита: **монографик** (ёзувчининг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақидаги маълумотлар) ва **обзорли** (муайян давр ҳодисалари, тарихий ва адабий характердаги маълумотлар шарҳи) турлари мавжуд. Шунингдек, маърузада фойдаланиладиган матн мазмуни қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- адибнинг ёзувчи ва мутафаккир сифатидаги хусусиятларининг ёритилганлиги;

- адиб ижодининг давр билан боғланганлиги;

- адиб услубининг шаклланиши, унинг ижод йўлидаги асосий босқичларнинг акс этганлиги;

- адиб ижтимоий ҳаёт ва адабиёт тарихига қўшган ҳиссанинг кўрсатилиши;

- маъруза матнининг бадиий матнларни ўз ичига олганлиги.

Адабий таълимда маъруза методини қўллаш жараёнида адабий суҳбат элементлари, ритрикага оид саволлар, матн билан ишлаш, кўргазмали материаллардан фойдаланиш машғулот самарадорлигини оширади.

2. **Адабий суҳбат методи** асосидаги машғулотлар олдиндан берилган саволлар бўйича ва эркин суҳбат тарзида ташкиллаштирилади.

Адабий суҳбатнинг биринчи кўринишини қўллаганда ёдда тутиш керакки, суҳбат учун олдиндан бериладиган саволлар тўғрилик, аниқлик, соддалик (тушунарлилик), муайянлик каби талабларга жавоб бериши керак.

Суҳбатга тайёргарлик давомида нафақат ўқувчиларга саволларни олдиндан бериш, балки уларга кўмаклашиш, яъни саволларга тайёрланишда маслаҳатлар, кўрсатмалар бериб бориш керак. Суҳбат давомида барча ўқувчиларни фаолиятга баробар жалб қилиш имкониятига эга усуллардан фойдаланиш зарур ҳамда қўшимча йўналтирувчи саволлар бериб борилиши, айрим саволлар бўйича алоҳида ўқувчилар олдиндан тайёргарлик кўриши мумкин.

Эркин суҳбат таълим жараёнида юзага келадиган саволлар ва муаммолар асосига қурилади. Ўқитувчи суҳбатнинг дастлабки режасини тузиб олади, аммо ўқувчилар томонидан саволлар берилиши учун имкон яратади. Саволларни моҳирлик билан қўя билиш, ўқитувчининг кириш ва якуний сўзи адабий суҳбат методининг муваффақиятини таъминловчи усуллар ҳисобланади.

3. Шарҳлаб ўқиш маъруза методининг адабий суҳбат элементлари киритилган бир тури саналади.

Таълим сифатини таъминлашда ўқувчиларни дастурдан ўрин олган асарларни ўрганишга сафарбар қила олиш, умуман, мутолаага қизиқишни кучайтириш талаб қилинади. Шу ўринда мутола маданиятига изоҳ беришни лозим деб топдик. Мутолаа маданияти – ўқувчиларнинг китоб ўқишга қизиқиш ва эҳтиёжларини таркиб топтириш, бадиий асарларни таҳлил этиш ва хулоса чиқариш, ахлоқий ва эстетик идеалларни шакллантиришга қаратилган эҳтиёж.

Бу ўринда мотивация воситалари қуйидагича бўлиши мумкин:

- электрон китобларни ўқишга одатланган ўқувчилар учун идрок қилиш қулай бўлган электрон қўлланмаларни яратиш ва такомиллаштириш;

- бундай қўлланмалар таълим олувчилар билим оладиган, топшириқларни бажариш учун зарур ахборотни излаб топадиган, баён қилинган асарларни ўқийдиган ва ўзлаштирадиган тарзда яратилиши керак;

- иллюстирация ва расмларни асосли танлаш, зеро уларнинг меъёрдан кам ёки ортиқчалиги ўқувчи томонидан асар матнининг тўлиқ идрок қилиниши ва ўзлаштирилишига путур етказади;

- ҳар бир бўлимдан кейин таълим олувчига мустақил фикрлаш ва ўрганилган материални мустаҳкамлашга кўмаклашадиган текшириш саволларининг мавжудлиги таъминланиши керак [2].

Адабиёт – санъат ва бадиий ижод тури. Шу сабабли уни ижодий ўрганиш методлари алоҳида аҳамиятга эга. Бундай методларга ижодий ўқиш, эвристик ва тадқиқотчилик методлари киради.

4. Ижодий ўқиш м**етоди**нинг ўзига хослиги, умуман олганда, идрок, бадиий кечинмаларни фаоллаштириш, санъат воситасида бадиий мойилликлар ва қобилиятларни ривожлантиришдан иборат.

Ушбу метод кузатувчанликни, ҳаётий ҳодисаларни кўра ва эшита билиш, ўз таассуротларини баён қилиш учун керакли сўз ва жумлаларни топа олиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга йўналтирилади. Шунингдек, турли ижодий топшириқларни бажариш, жонли ва бевосита кузатишлар, яъни расмлар, кинокартиналар, спектакллар, кўргазмалар, яқинда ўқилган китоб, очерк, ҳикоя, шеърлар орқали ижодий ишлашга ўргатиш назарда тутилади.

Асарни ўрганишнинг турли босқичларида ўқувчиларнинг бадиий идрокини фаоллаштириш мазкур методнинг асосий мақсади саналади. Бунда қуйидаги иш шакллари ва усулларидан фойдаланилади:

- ифодали ўқиш;
- шарҳлаб ўқиш;
- суҳбат;
- шахсий таассуротлари ёки асар матни бўйича ижодий топшириқларни бажариш;
- ўқилганлардан келиб чиқадиган, бадиий идрокни чуқурлаштиришга кўмаклашадиган ўқув муаммосини қўйиш.

5. "Қадам-бақадам" ижодий ўқиш методида ўқитувчининг ифодали (акцентли-мазмунли) ўқиши, ифодали ўқишга ўргатиш, шарҳлаб ўқиш, бирваракайига саволларни (саволлар тизимини) шакллантириш билан ўқиш, интуитив-ҳамкорликда ижод қилиб ўқиш ҳамда башорат қилиш усулларидан фойдаланилади. Бунда ўқувчилар турли типдаги топшириқларни бажаради, яъни қаҳрамонларнинг сўзларини шарҳлайди, саволларни мустақил тарзда қўяди ва уларга жавоб беради, матнда тобора тушунарсиз бўлиб бораётган ўринларни ажратади, асар сюжетини давом эттиради, матннинг мавжуд бўлмаган (етишмаётган) қисмини реконструкция қилади асарнинг давоми ва якуни бўйича ўз фаразини шакллантиради ва асослайди.

Мазкур метод доирасида амалга ошириладиган фаолиятнинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

- матнни идрок қилиш;
- матнда маълум элементларни йўл-йўлакай ажратиш ва қайта яратиш;
- "тасодифий", "тўсатдан" юзага келган саволларни шакллантириш;
- ўз идрок натижалари бўйича рефлексия, таҳлил қилиш;
- асар мазмуни элементларини қайта яратиш,
- бадиий яхлитиликни прогнозлаш ҳамда оғзаки, ёзма ва график шаклларда қайта яратиш.

Шу ўринда ўқитувчининг ифодали (акцентли-мазмунли) ўқиши, бадиий сўз усталари томонидан ўқилган бадиий матнлар, актёрлар томонидан бадиий асарлардан алоҳида саҳналарнинг ижро қилиниши (аудио ва видео ёзувлар) юқорида санаб ўтилган методларни қўллашда асосий воситалар бўлади.

Қуйидаги усуллар ўқув фаолиятининг янада самарали бўлишини таъминлайди: мутолаа, ёд олиш, тинглаш, режа тузиш, ҳикоя қилиш, тақризлар ёзиш, иллюстрацияларни кўриш ва муҳокама қилиш, ўқитувчининг ифодали (идеалда бадиий) ўқиши, бадиий сўз усталарининг ўқиши (радио ва телевизион эшиттириш ҳамда кўрсатувлардан аудио ва видео ёзувлар); ифодали ўқишга ўргатиш; ўқитувчининг бадиий матнни шарҳлаб ўқиши ва асарни тўғри, мумкин қадар чуқур, эмоционал идрок қилинишини таъминлаш мақсадини кўзлаган сўзи; бадиий, маънавий (ахлоқий), ижтимоий-сиёсий муаммонинг қўйилиши;

Шунингдек, таълим олувчиларнинг адабий асарлар асосидаги ижодий фаолияти адабий асар матнини ижодий талқин қила олиши, яъни ролларга бўлиб ўқиш; саҳналаштириш, драмалаштириш; деформацияланган (шакли ўзгартирилган) матн билан турли усулларда танишиш ва ҳодисаларнинг сабаб-оқибат алоқадорликларини, изчиллигини (кетма-кетлигини) аниқлаш; ҳаракатларни бажаришда босқичларга риоя қилиш, иншо элементлари билан баён қилиш, рассомларнинг суратлари, репродукциялари асосида, асарга иллюстрациялар туркуми бўйича ёки шахсий тажрибаси асосида ўз матнини ярата олиш кўникмаларининг шаклланганлиги билан белгиланади.

Адабиётлар:

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.32-61.

2. Методика преподавания литературы: Учебная хрестоматия-практикум: Для студентов высших педагогических учебных заведений / Автор-составитель Б.А Ланин. 3-е изд., испр. и доп. – М.: Эксмо, 2007. - 512 с

3. Колышева К.Ю. Качество литературного образования в начальной школе http://www.scienceforum.ru/2014/522/2302

4. Богданова О.Ю., Леонов С.А., Чертов В.Ф. Теория и методика обучения литературы. – М.: Академия, 2008. – 168 с.

Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ
2016 йил 14 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)